

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

348 Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легал-
лаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кура-
шиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшим-
чалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
4 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2020-1*

(2010 йил 14 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майдаги ПФ–4216-сон «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 18-19-сон, 137-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 104-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2010 йил 5 майдаги ПФ–4216-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори-га (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 22-сон, 175-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10 ва 39-сон қарори (рўйхат рақами 2020, 2009 йил 19 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 43-сон, 461-модда) билан тасдиқланган Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Адлия вазири

Р. МУҲИТДИНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 сентябрь,
15-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Солиқ, валютага оид жиноятларга
ва жиноий даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиш
департаменти бошлиғи**

З. ДЎСАНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 сентябрь,
19-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2010 йил 24 сентябрдаги 15, 19-сон қарорига
ИЛОВА

**Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга
қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддимадаги «ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар (бундан кейинги ўринларда нотариал идоралар деб юритилади), шунинг-

дек» деган сўзлар «(бундан кейинги ўринларда нотариал идоралар деб юри-тилади) ва» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

3. 3-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «ички хужжатларга» деган сўзлар «мазкур Қоидаларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 4-банднинг иккинчи хатбошисидаги «мазкур Қоидалар ва ички хуж-жатларга» деган сўзлар «ва мазкур Қоидаларга» деган сўзлар билан алмаш-тирилсин.

5. 7-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

6. 9-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишлича учинчи ва тўртинчи хат-бошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошисидаги «ички назорат қоидалари ва дастурларини» деган сўзлар «мазкур Қоидаларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 11-бандда:

қўйидаги мазмундаги еттинчи ва саккизинчи хатбошилар билан тўлди-рилсин:

«мижозни лозим даражада текшириш материалларига қўшиб қўйиладиган яққол иқтисодий моҳиятга эга бўлмаган, мижознинг таъсис хужжатла-рида ёки давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида назарда тутилган мақсад ва фаолият турларига тўғри келмайдиган барча операция-лар бўйича лозим даражада текшириш натижалари ва хулосаларини ёзма равишда қайд этиш;

идентификациялашни яқунлаш имкони бўлмаганда ёки лозим даражада текшириш натижаларига кўра, мижоз билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълумотлар олинганда, мижоз билан битим тузишни рад этиш»;

еттинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

8. Қўйидаги мазмундаги 11¹-банд билан тўлдирилсин:

«11¹. Операциялар тўғрисидаги маълумотлар зарурат туғилган тақдирда операция тафсилотларини қайта тиклаш мумкин бўлган тарзда расмийлаш-тирилиши лозим».

9. Рус тилидаги матннинг 23-бандидаги «вправе» деган сўз «должны» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 24-банд қўйидаги мазмундаги ўн тўртинчи хатбоши билан тўлди-рилсин:

«идентификациялашни яқунлашнинг имкони бўлмаслиги ёки лозим да-ражада текшириш натижаларига кўра, мижоз билан амалий иш муносабат-ларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълу-мотларнинг олиниши».

11. 32-банд «мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентифи-кацияланган материаллар ва маълумотларни» деган сўзлардан кейин «шу жумладан иш ёзишмаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

12. Қўйидаги мазмундаги 34¹-банд билан тўлдирилсин:

«34¹. Мазкур Қоидалар, шунингдек, жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларининг барча ходимларига етказилиши лозим».

13. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

*Адвокатлар палатаси
раиси ўринбосари в.б.*

Р. АХМЕДОВ

2010 йил 24 сентябрь